“Максам-Чирчиқ” АЖ фаол хотин-қизлари иштирокида семинар ўтказилди

// 22 fevral 2024 йил
https://pda.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/maksam-chirchiq-azh-faol-hotin-qizlari-ishtirokida-seminar-u



11-феврал – “Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар халқаро куни” муносабати билан “Максам-Чирчиқ” АЖ фаол хотин-қизлари иштирокида семинар ўтказилди.



Тадбирда Чирчиқ давлат педагогика университети педагогика кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Гулнора Эрназарова ҳамда педагогика фанлари фалсафа доктори, доцент Мафтуна Исламова иштирок этишди. Давра суҳбатида корхонада фаолият юритаётган хотин-қизларнинг илмий салоҳиятини ошириш, республика миқёсидаги танловларда иштирокини кенгайтиришга қаратилган таклифлар ўртага ташланди.



Шу билан бирга, корхонада гендер тенглик масалаларида хотин-қизларга эътиборни кучайтириш, “Китобхон ходим” ҳамда "Заковат" танловларида иштирок этишга қизиқишни ошириш, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликларга қарши кураш тизимида қилиниши керак бўлган ишлар режаси келишиб олинди.

"Максам-Чирчиқ" АЖ Матбуот хизмати